



НИЗОМИДДИН ШОМИЙ ВА УНИНГ «ЗАФАРНОМА» АСАРИ МУҲИМ МАНБА

Тухтаева Севинч Урал кизи
ҚарДУ

Калит сўзлар: Истиқлол, Соҳибқирон, Амир Темур, темурийлар, илм-фан, муаррихлар, тарих, Эрон, Озарбайжон, Шом, Табриз, Низомиддин Шомий.

Ключевые слова: Сахибкиран, Амир Темур, Темуриды, наука, историки, история, Иран, Азербайджан, Дамаск, Тебриз, Низамиддин Шами.

Key words: Sahibkiran, Amir Temur, Temurids, science, historians, history, Iran, Azerbaijan, Damascus, Tabriz, Nizamiddin Shami.

Истиқлол берган кенг имкониятлар эса Амир Темур ва темурийлар даври тарихини холисона ўрганишни тақозо этди. Ўтмишда яшаган буюк сиймолар ва уларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ва илм-фанда эришган ютуқларини келажак авлодга етказиб беришда албатта тарих фани ва мазкур фан олимларининг ўрни ва роли жуда муҳим ҳисобланади.

Бизга маълумки, Амир Темур ва темурийлар даври илм-фан ўзининг юксак даражасига кўтарила олди. Чунки соҳибқирон ва унинг авлодлари тарих фанига жиддий эътибор берганлар. Бу давр тарих илмида нафақат салтанат микёсида балки бутун Шарқ оламида машҳур бўлган буюк муаррихларни етказиб берган. Булар орасида айниқса Низомиддин Шомийнинг ўрни алоҳида ўрин тутди.

Асл исми Али ибн Муҳаммад⁵⁷, бўлган бу шахснинг номи муаррихлар Шарафуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир ва бошқаларнинг асарларида кўпинча Низомуддин Шанбий ёки Мавлоно Низомуддин Шанби Ғозоний (асли Табризнинг шимоли-ғарбий тарафида, ундан тахминан икки мил масофада жойлашган Шанби Ғозон деган жойдан бўлгани учун) номи билан машҳур⁵⁸. Низомиддин Шомийнинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд бўлмаса-да, унинг вафоти 1404-1409 йиллар орасида юз берган⁵⁹. Ўша давр муаррихи Ҳофиз Абру 1412 йил воқеаларини баён этар экан, алломани марҳум сифатида тилга олган⁶⁰.

Олим нафақат тарихчи, балки таржимон сифатида фаолият кўрсатганлиги ҳам тарихдан маълум. Эронлик машҳур шарқшунос олимлардан Ҳусайн Нахичеврий

⁵⁷ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: “Шарқ”, 2001. Б. 203.

⁵⁸ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. 2-нашри. – Т., “Ўқитувчи”, 2001. Б. 165-166.

⁵⁹ Азамат Зиё. Кўрсатилган асар. – Т.: “Шарқ”, 2001. Б. 203.

⁶⁰ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форчадан Ю.Ҳакимжонов таржимаси. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А.Ўринбоев. – Т., “Ўзбекистон”, 1996. Б. 4.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

ва Дониш Пажухлар Шомийнинг илмий фаолиятига доир айрим диққатга сазовор маълумотларни келтириб ўтганлар. Уларнинг сўзларига қараганда, мавлоно Низомиддин Шомий Низом Табризий номи билан ҳам машхур бўлган ва Жалойирийлардан Шайх Увайс I (1356-1374 йй.)нинг топшириғига биноан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Зафар Маккий Андалусийнинг (XII а.) “Сулвон ал-муттаъфи увон ал-атбаъ” (“Сулук машаққатларида подшолар боғи”) номли асарини (1159 й.) араб тилидан форсчага таржима қилганлиги келтириб ўтилган⁶¹.

Шунингдек, олимнинг Муҳаммад пайғамбар ва ўн икки имомнинг қисқача таржимаи ҳолига бағишланган яна бир асар ёзганлиги, асл исми эса Али ибн Муҳаммад бўлиб, кўпинча Низом ул-Воиз номи билан машхур бўлганлигини эронлик шарқшунос олим Дониш Пажух эслатиб ўтади⁶².

Шомий “Зафарнома”да ўзи ҳақида Соҳибқирон билан учрашувлари ва мазкур асарнинг ёзилиши тарихи ҳақидаги маълумотлар қисқа тарзда баён қилинган. Мавлоно Низомиддин 1393 йилнинг август ойида Амир Темур аскарлари Бағдод шаҳрини забт этганликлари ҳақидаги воқеаларни қаламга олар экан, ўзи биринчи бўлиб шаҳардан чиққанлиги, ҳазрат Соҳибқирон билан учрашиб, суҳбатида бўлганлигини эслатиб ўтади⁶³. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Низомиддин Шомий 1393 йили Бағдодда яшаган ва унинг Амир Темур билан дастлабки учрашуви ҳам айнан шу йилда содир бўлган, шунингдек олим шу вақтдан Соҳибқироннинг хизматида бўлган дейиш мумкин.

Амир Темур билан олимнинг кейинги учрашуви эса «Зафарнома»нинг 1400 йил воқеалари баён этилган варақларида учрайди. Ўша йили октябрь ойида Амир Темур Шом (Сурия) теграсида жойлашган Ҳалаб шаҳрини қамал қилган. Муаллифнинг ёзишича, у ўша вақтда Ҳижоз томон сафарига кетаётганида, шаҳар муҳофазачилари ундан шубҳаланиб, уни тўхтатганлар ва қалъа рўбарўсидаги бир бинога қамаб қўйганлар. Бу ердан у қалъанинг забт этилишини ўз кўзи билан кўрган⁶⁴.

Амир Темур даври муаррихларидан бўлган тарихчи Ҳофиз Абрунинг таъкидлашича, жангдан сўнг Жалол ус-Ислом номли бир амир Низомиддин Шомийни Соҳибқирон ҳузурига олиб келганда, Ҳазрат унга илтифотлар кўрғазиб, яхши қабул қилган⁶⁵. Манбалардан кўриниб турибдики, Низомиддин Шомий тез орада Соҳибқироннинг назарига тушган ва унинг ишончига ҳам сазовор бўла олган дейиш мумкин.

⁶¹ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари, – Т., “Ўқитувчи”, 2001. Б. 166.

⁶² Ўша жойда.

⁶³ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Б. 4.

⁶⁴ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Б.4.

⁶⁵ Шу жойда.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Низомиддин Шомий томонидан бир нечта асарлар таржима қилинганлиги ва ёзилганлигига қарамай уни машҳур қилган асар «Зафарнома» асари ҳисобланади. Соҳибқирон олимни ҳузурига чорлаб, ўз юришлари битилган салмоқли бир асар яратишга ундаган. Темурбек ўша даврга қадар мунший ва котиблари томонидан ёзилган битиклар уни қониқтирмаганлигини айтган. Ёзилажак асарни бир томондан, авом халққа тушунарли, содда, равлон тилда ва айни пайтда маърифатли кишилар эътиборига ҳам лойиқ тарзда ёзилишини уқтирган.

«Зафарнома»нинг ёзилиш тарихи ҳақида шуни таъкидлаш жоизки, Мавлоно Шомийнинг ўзи берган маълумотга кўра, “Бу китоб ёзилишининг сабаби шул эрдиким, саккиз юз тўртинчи ҳижрий йилда (1401 йил 11 август – 1402 йил 1 август) Амир Соҳибқирон ҳазратлари, Аллоҳ таоло салтанатларини замон охиригача барқарор этсин, камина бандангиз Низомиддин Шомийни ҳузурларига келтиришни буюрди. Мен палосе ўпиш шарафига мушарраф бўлганимда (ул ҳазрат) сийлашу иззатлаш маросимларини бажо келтириб, лутфу эҳсонлар кўрсатдилар. Шундан кейин тарбият ва бандапарварлик юзасидан олий ишорат содир бўлдиким, гарчи у зот қилган ишларининг бу абадиятга улангур давлатнинг бошланишидан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган тарихини онҳазрат учун ёзган бўлсалар ҳам, аммо улар ҳали муносиб тарзда жамланиб, тақдим этилмаган экан, бу банда (Низомиддин) уларни йиғиб, ортиқча сўзлардан тозалаб, боб-боб қилиб тартиб беришга машғул бўлгаймен, лекин шу шарт биланки, тақаллуфу безак бериш, лоф уриш зийнатидан ўзимни тийгаймен; (агар) услуби сўз оройишию ибораторолик санъатидан соф ва холи бўлгай”⁶⁶.

Низомиддин Шомийга Соҳибқирон томонидан қўйилган катъий талабни олим ўз асарида яна шундай изоҳлайди: Яна Соҳибқирон ҳазрат менга: “Шу услубда ёзилган, ташбиҳ ва муболағалар билан оро берилган китобларда кўзланган мақсадлар ўртада йўқолиб кетади, агар сўз қоида-қонунидан насибадор бўлганлардан биронтаси маънисини фаҳмлаб қолса қолар, аммо қолган ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини билишдан, мақсадга етишдан ожиз. Шу сабабли, унинг фойдаси барчага баробар бўлмайди”⁶⁷.

Мавлоно Шомий Соҳибқироннинг бу масъулиятли талабини бажаришни ўз бўйнига олган ва олим бу ишни уддасидан чиқа олган деб айта олишимиз мумкин. У бу ҳақида шундай дейди: “Мен дуо маросимини бажо келтиргач, арз иззатгоҳига шундай деб етказдим: “Агар ҳукмлари жорий бўлса, бу банда шу тариқа йўлдан боргаймен, қудратим етгунча унинг уддасидан чиқишга урингаймен ва бу хизматни умрим шарафи деб билгаймен”⁶⁸. Кўриниб турганидек, Амир Темур тарихий асар яратишдан мақсадни, баён услубларини аниқ тасаввур қилган яъни тарих омма,

⁶⁶ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Б. 22.

⁶⁷ Шу жойда.

⁶⁸ Шу асар. Б. 23.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

келажак учун ёзилишини алоҳида уқтирган. Шу боисдан ҳам Шомий Соҳибқирон талабларига мос асар яратишга ҳаракат қилган.

Мазкур учрашувдан сўнг Низомиддин Шомий буюк ҳукмдорнинг сарой тарихчиси сифатида Амир Темурнинг кейинги барча юришларида унга ҳамроҳлик қилган. 806 йил муҳаррам ойида (1403, июль-август) Грузиядаги Биртис қалъаси забт этилишини ёзар экан, Низомиддин Шомий бу воқеани ўзи кузатганлигини айтади⁶⁹. Шомий юришлардан бирида ийди рамазон муносабати билан йиғилган жамоага ваъз айтиб, сўнг ийд намозида пешнамозлик қилган. Бу воқеани машҳур тарихнавис Шарафиддин Али Яздий шундай тавсифлаган: “Ва ҳазрат соҳибқирон андин кўчуб, ов солиб, Оғлақ суйидин йақосида Балоравадқа келиб тушти ва анда неча кун туруб, рамазон ойи кечиб, ийд бўлди. Шанба куниким, ийд эрди (12.04.1404), намоз ўқуб, Мавлоно Низомуддин Шиблийким, уламолар ичида машҳур эрди, хутба ўқуди. Ва намоздин сўнг суҳбатлар тутуб, ийд қилдилар, даъватлар тортиб, мажлисдаги фозилларга иноятлар қилди⁷⁰.

Академик Бўрибой Аҳмедовнинг таъкидлашича, “Зафарнома”нинг иккита таҳрири мавжуд бўлиб⁷¹, биринчиси Низомиддин Шомий Соҳибқирон юришларини 1404 йил баҳоригача етказиб, асарни тамомлаган ва уни Озарбайжондан Самарқандга

қайтиш тарадуддида бўлган Амир Темурга тақдим этган⁷² нусхасидир. Мазкур нусханнинг номи маълум эмас. Шунингдек иккинчи нусха эса Мироншоҳнинг ўғли Мирзо Умарга (1404 йил 26 мартда Амир Темур Қорабоғда эканлигида унга “Ҳалоқухон тахти”)ни, яъни Ғарбий Эрон ҳамда Озарбайжонни инъом қилгани пайтида тақдим қилинган⁷³. У юқорида қайд этиб ўтилган биринчи нусхадан фарқ қилмаган. Унга айрим услубий тузатишлар киритилган дебоча ҳамда ва Мирзо Умарга бағишланган кичик бир илова (Зайл) қўшилган⁷⁴. Демак Низомиддин Шомий умрининг охирларида Соҳибқироннинг набираси Мирзо Умар хизматида бўлганлиги ва унинг юрти Табризда истиқомат қилган бўлиши мумкин⁷⁵.

Буюк Соҳибқироннинг 1405 йил февраль ойигача бўлган воқеалар эса кейинроқ Ҳофиз Абру томонидан «Зайл» – (Илова) тарзида ёзилганлиги манбаларда қайд этилган⁷⁶.

⁶⁹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Б.5.

⁷⁰ Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома». Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмад ва Ҳайдарбек Бобобеков. Масъул муҳаррир: Барнобек Эшпўлатов. Тошкент, 1997, 289 б-варақ. Б.283.

⁷¹ Аҳмедов Б. Кўрсатилган асар. Б.167.

⁷² Низомиддин Шомий. Зафарнома. Б.6.

⁷³ Аҳмедов Б. Кўрсатилган асар. Б.167.

⁷⁴ Аҳмедов Б. Шу жойда. Б.167.

⁷⁵ Аҳмедов Б. Кўрсатилган асар. Б.167.

⁷⁶ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Б.7.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

“Зафарнома” асари нафақат Ўзбекистон балки Қозоғистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV асрнинг иккинчи ярми – XV аср бошларидаги сиёсий-ижтимоий тарихини ўрганишда муҳим ва ишончли манбалардан бири ҳисобланади.

Низомиддин Шомий мазкур асарни яратишда Амир Темурнинг уйғур котиблари томонидан ёзилган “Тарихи хоний” номли шеърӣ асари ва бошқа асл нусха асарлардан фойдаланган⁷⁷. Муаррихнинг асл манбалар асосида акитобини ёзиши асарнинг қийматини янада оширган.

Бугунги кунда «Зафарнома»нинг қўлёзма нусхалари жаҳоннинг турли давлатлари жумладан, Арманистон (Ереван)да, Англия, Франция, Ироқ ва Туркия кабиларнинг марказий кутубхоналарида сақланмоқда. Мазкур асарнинг матни 1937 ва 1956 йилларда Прагада чоп этилганлиги (Тауэр нашри), шунингдек, унинг туркча-усмонлича таржималари (1949 й.) ҳам мавжудлиги жуда муҳим. Ана шу таржималардан айрим парчалар рус ва француз тилларига ҳам эълон қилинган.

Истиқлол йилларида олимларимизнинг сайёи ҳаракатлари билан “Зафарнома” асари кенг китобхонлар учун ўзбек тилига таржима қилинди (1996 й). Мазкур асарни форс тилидан ўзбек тилига Юнусхон Ҳакимжонов таржима қилган. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи Ҳабибулло Кароматов, жуғрофӣ номлар изоҳини Омонулло Бўриев, Ҳофизи Абрунинг “Зафарнома”га ёзган “Зайл”и (“Илова”)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи Омонулло Бўриев, муҳаррир Муборак Фозилова⁷⁸. Асарнинг фидоӣ олимлар томонидан таржима қилиниб, нашр этилиши Соҳибқироннинг 660 йиллик юбилейига муносиб тухфа бўлган эди.

Хуллас, Низомиддин Шомий ва унинг “Зафарнома” асари шу жиҳатдан қимматлики, XIV-XV асрлар Амир Темурни яқиндан кўриб, ўзи кўрган воқеаларни тарихини ҳаққонӣ акс эттириш билан бирга, бу асар кейинги давр муаррихлари, жумладан, Шарафиддин Али Яздӣни ҳам, ушбу битикка таянишига тўғри келганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Чамаси, XVI-XVIII асрлар Ўрта Осиё муаррихлари ҳам Шомий асарларига таянишган. Шунини ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур асар темурийлар даврида тарихнавислик ўзининг энг юқори чўққиларидан бирига чиққанлигини кўрсатади. Низомиддин Шомий ва унинг “Зафарнома” асари ҳозирги даврда ҳам Соҳибқирон Амир Темур даври тарихини ўрганишда энг муҳим ноёб манба бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

⁷⁷ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Б. 167.

⁷⁸ Низомиддин Шомий. Зафарнома.





Резюме

Мазкур мақолада муаррих Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асари Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишдаги муҳим ноёб манба сифатидаги ўрни ҳақида мулоҳаза юритилган.

Резюме

В данной статье рассматривается роль «Зафарнома» историка Низамиддина Шами как важного уникального источника в изучении истории Сахибкирана Амира Темура и Темуридов.

Summary

This article discusses the role of "Zafarnom" by the historian Nizamiddin Shami as an important unique source in the study of the history of Sahibkiran Amir Temur and the Temurids.

